

Mustahkam oila - yurt tayanchi

# QILA DAVTRASIDA

№ 11-12  
(357-358)  
2019 - yil  
21-mart  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

44 fuqaro  
**АФВ ЭТИЛДИ**



2-бет

**ВАЗИРГА  
ОЧИҚ САВОЛЛАР:**  
Беморлар дардини  
ким ўйлайди?



3-бет

Шовотдаги  
**АБГОР БОҒЧА**



5-бет

Боламнинг  
**ОҒЗИГА  
ТУҒЛАБ ҚҶЙИНГ**



6-бет

**МЕНИНГИТ**  
кимларда кўп  
учрайди?



7-бет

*Наврўзи олам  
мудорақ бўлсин!*

*Баҳорни билмаган  
элларни кўрдим,  
Бир чечак кулмаган  
ерларни кўрдим.  
Ўзингни соғиниб  
келади Наврўз,  
Кафтингга кўз сурай,  
деҳқоним, юртим,  
Ўзингдан ўрғулай,  
боғбоним, юртим.*

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара  
китоблар  
ассортименти

# Инсонпарварлик намунаси

## Наврўз муносабати билан 44 нафар фуқаро афв этилди

# ВАЗИР Беморлар

2019 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўз умумхалқ байрами арафасида халқимизга хос эзулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Мазкур ҳужжатга берилган шарҳда қайд этилишича, Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 44 нафар фуқаро афв этилди.

**Афв этилган шахсларнинг 7 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 11 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 12 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, 30 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан ўз оилалари бағрига қайтарилади. Шунингдек, 13**

**нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди ва 1 нафар шахс кўшимча жазодан озод қилинди.**

Афв этилганларнинг 2 нафарини 60 ёшдан ошганлар, 5 нафарини аёллар, шунингдек, 23 нафарини тақикланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган фуқаролар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

(ЎЗА)

## МАЪРИФАТ

### Ёшлар маънавияти ва бўш вақти — жиддий масала

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлоди маданият, санъат, jismoniy тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди, дея хабар берди ЎЗА.

Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида туман ва шаҳарлар кутубхоналарига 300 минг нусхада бадий адабиётлар етказиб берилди. Мусика ва санъат мактаблари чолгу асбоблари, спорт объектлари жиҳозлар билан таъминланди.

Бу ишлар Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб, «Маърифат қарвони» ташкил этилди. Ёшлар учун 25 минг дона китоб, 80 турдаги спорт жиҳозлари ва мусика асбоблари етказиб берилди.

Йиғилишда бу тажрибани Ўзбекистоннинг барча худудларида кенг жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 800 дан ортиқ маданият маркази, 312 та мусика ва санъат мактабига атиги 130 минг нафар ўғил-қиз камраб олингани, мазкур муассасаларнинг аксарияти ўқув қўлланмалари, ноталар тўплами ва мусика асбоблари билан етарли даражада таъминланмагани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари жойлардаги маданият марказлари, мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича топшириқлар берди.

Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг кизиқишидан келиб чиқиб, кўшимча 1,5 мингта тўғрақ ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Таниқли артистлар туман ва шаҳарларга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилиб, ўша жойларда маданият ва санъатни ривожлантиришга масъул бўлади.

Қишлоқларда енгил конструкцияли сендвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қурилади, ташаббускор тadbirkorларга спорт иншоотлари барпо этиш учун ер ажратилади.

Ўзбекистон Президентининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларини янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуси:

**Биринчи ташаббус** ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига кизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

**Иккинчи ташаббус** ёшларни jismoniy жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

**Учинчи ташаббус** аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

**Тўртинчи ташаббус** ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

**Бешинчи ташаббус** хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Йиғилишда ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Давлатимиз раҳбари мутасадди вазирлик ва идораларга «Маърифат қарвони» лойиҳаси доирасида бадий, маърифий, ижтимоий мавзуларда китоблар чоп этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда етказиб бериш бўйича топшириқ берди.

### Химояга муҳтож шифокор

Куни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими томонидан вазирлик расмий сайтида ва катор интернет нашрларида «Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош прокурорга мурожаат қилди» сарлавхали мақола чоп этилди. Унда шундай дейилади:

«Бугун беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан халққа тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ўз вазифасини ўтаётган тиббиёт ходимларига нисбатан гайриқонуний равишда тажовуз қилиниши, уларга тан жароҳатлари етказилиши энг оғриқли масалалардан бирига айланиб бормоқда.

— *Кит.уз* сайтида эълон қилинган «Кўширабтода «тез ёрдам» шифокори ва ҳайдовчисини маст «бемор» ва унинг яқини қалтқалади» мақоласи бу иллатнинг жамиятимизда қанчалик илдиш отиб бораётганини яна бир бор кўрсатди. Бундай ноҳуш ҳолатларни бартараф этиш учун барча куч-имкониятларимиздан фойдаланишимиз ва тиббиёт ходимига нисбатан бу каби муносабатни бутунлай ўзгартиришимиз зарур, — дейди **Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер ШАДМАНОВ**. — Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Муродов номига хат юборилиб, унда жорий йилнинг 7 март куни содир этилган ушбу ноҳуш ҳолат бўйича тегишли идоралар томонидан айна пайтга қадар қонуний тўхтамга келинмаганлиги кўрсатилиб, вазият назоратга олинишида амалий ёрдам сўралди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги маълумотларга кўра, 2017-2018 йиллар давомида 300 га яқин ҳолатда беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига ноқонуний тажовуз қилиниши билан боғлиқ қонунбузарликлар содир этилган.

Биргина мисол, ўтган йили Олтиариқ туманида фуқаро М.М. тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун ўз вақтида (10 даққада) етиб келган шифокор Ш.С.га ўртача оғир даражадаги тан жароҳати етказган. Ваҳоланки, айна ҳолатда шифокор етиб борган пайтда бемор алақачон вафот этган бўлган. Лекин мазкур ҳолатда шифокорнинг соғлиғига тиклаб бўлмас зарар етказган қонунбузар амалда ҳеч қандай жазо ўтамасдан қолиб кетди, яъни суд томонидан у шартли ҳукм қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамиятимизда фуқароларнинг шифокорларга тажовуз қилиши каби ҳолатларнинг кўпайиб кетаётганини ҳисобга олиб, ушбу иллатни олдини олишнинг энг самарали йўллари билан бири сифатида тиббиёт ходимига нисбатан содир этилаётган ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун қатъий жавобгарликни кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди.

Шу сабабдан жорий йилнинг 29 январидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўз хизмат вазифасини бажариб турган тиббиёт ходимига бемор ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан гайриқонуний равишда тажовуз қилиниши ёки уларга тан жароҳати етказилиши каби қилмишларни Жиноят кодексининг безорилик учун жавобгарликни кўзда тутувчи 277-моддаси билан квалификация қилиш ҳамда ушбу ҳаракатларни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси тайёрланиб, жамоатчилик муҳокамаси учун Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилди. Шунингдек, жорий йил 5 февралдаги 19-01/19-сонли хат билан тегишли вазирлик ва идораларга келиши учун юборилди....

Мақолада, шунингдек, ушбу ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқиш асоссиз чўзилиб келаётгани қайд этилган.

### Танганинг иккинчи ТОМОНИ

Кимнингдир ҳаётига дахл қилиш, гайриқонуний равишда бировга қўл кўтариш, шубҳасиз, жиноят. Ўзининг хизмат вазифасини бажараётган шифокорга қўл кўтариб, унинг ҳаётига, соғлиғига тажовуз қилиш ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган ачинарли ҳолат. Аммо баъзи бир мулоҳазалар ҳам борки, шулар ҳақида гапиршининг айна мавриди бизнингча.

Ҳеч нарса инсон ҳаётидан устун эмас. Қолаверса, жамиятда ишлаб чиқалаётган ҳар қандай қонун-қоидалар инсон

манфаати, ҳаёти химояси, ри-соладагидек яшаш ва ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлиши учундир. Шундай экан, ўз ҳуқуқимизни талаб қилар эканмиз, бурчимиз ва вазифамиз ҳам ёдимиздан кўтарилмаслиги зарур. Зотан, кимнингдир ўз бурчини бажармаслиги ҳам ўзга инсонларнинг ҳаётига, саломатлигига раҳна солиши мумкин. Зеро, Жиноят кодексига ҳаракатсизлик ҳам жиноят сифатида баҳоланади.

### «Дўхтирга ишинг тушмасин, болам»

...Бундан ўн йилча аввал қишлоқда тўсатдан бувимнинг тоби қочиб қолди. Қишлоқ

# ШИФОКОР «ДАРД»ИНИ КЎТАРИБ ЧИҚДИ

## дарди ҳақида ким қайғуради?



**Ҳуқуқ билан бурч ҳамиша ёнма-ён туриши зарур. Шифокорларга тажовузлар кўпаймоқдами, демак, соҳада ҳал этилиши шарт бўлган талай муаммолар бор.**

врачлик пункти шифокорининг уйига югурдим. У томоркасида ер ҳайдашиб турган экан. Бувимнинг мазаси қочиб қолгани, тезроқ боришини айтдим. У эса бамайлихотир: «Ҳозир боролмайман, трактор кетиб қолиши мумкин, фалон дўхтирни чакирақолинглар...» деди. Нима қилишни билмай уйга қайтдим. Кейин туман марказига «тез ёрдам» бўлимига олиб бордик. Аммо бир дона сунъий нафас берадиган аппаратни вақтида беришмади ва бувимнинг жони узилди. Эртасига ўша ҚВП шифокори ҳам жанозага келди, бироқ нима дейсиз, кишлокчилик... Бувимнинг «Дўхтирга ишинг тушмасин, болам» деган гаплари бежиз эмаслигига амин бўлдим.

Бу аввалроқ, узок бир кишлокда содир бўлган-да, дерсиз. Бироқ катта шаҳарда, катта-катта шифохоналарда юз бераётган ҳодисалар-чи?

— Ҳали бир ёшга тўлмаган фарзандимнинг тоби қочиб, зудлик билан шифохонага олиб бордик, — дейди **Сергели туманида яшовчи Умида Умарова**. — Туманимизда болалар шифохонаси йўқ (шунча катта туманда-я!), шу

боис шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш Республика илмий марказига олиб бордик. Тўғри, одам кўп, лекин биров нега келдинг демайди. Навбат кутиб болалар шифокорига учрашганимизда, шифохонага ётқишиш кераклигини айтди. Унда ётамиз десам, бизда жой йўқ, Учтепага борасиз, деди. Хуллас, Учтепа туманидаги 3-сон болалар шифохонасига бордик. У ер эса ҳақиқий бозорнинг ўзи эди. Қарийб юз одам торгина коридорда навбатда турибди. Фақат биргина шифокор қабул қиляпти. У ерда канча боланинг аҳволи оғирлашиб қолгани, канча асаббозарлик бўлганини айтмай қўя қолайлик. Фақат тўрт соат деганда (!) навбатим келди ва унча кўлимдаги гўдакнинг аҳволи жуда оғирлашди. Ниҳоят... боламни тўғри жонлантириш бўлимига олиб киришди. Мен эса икки кеча-кундуз жонлантириш бўлими эшиги олдида тик турдим. Ётишга-ку умуман жой йўқ, ҳатто ўтиришга бирорта стул қўйилмаган...

— Яқинда болам қайт қилиб, мазаси қочиб қолди, «тез ёрдам» чакирдик, — дейди Тошкентнинг чеккароқ мавзе-

сида яшайдиган она. — Кирк дақиқадан (!) ўтиб шифокор келди. Болани кўриб «инфекционный»га олиб бориш зарурлигини айтди. Аммо ҳозир соат саккиз бўлгани, иш вақти тугаганини айтиб, станцияга олиб бориб, ўша ердан сизларни бошқа «тез ёрдам»га ўтқизвораман, дейди. Боланинг

аҳволи оғирлигини айтиб, бироз каттиқ гапирганимиздан кейингина жуда норози оҳангда, катта иддао билан шифохонага олиб кетди...

Энди, марҳамат қилиб айтинг-чи, кимнинг ҳаётида ёки бирор яқини ҳаётида шунга ўхшаш ҳолатлар содир бўлмапти? Касалнинг аҳволи яхши-

ланиш ўрнига оғирлашаверса, дарров «Биз Худо эмасмиз», деган иддао пайдо бўлади. Аммо ўшандай вазиятда бурч, масъулия, ўз вазифасини сидкидилдан бажариш каби масалалар ҳақида ким ўйлаши керак? Ўз вазифасига совуққонлик билан қараётган шифокорга ким чора кўриши лозим?

### Вазирга очик саволлар

**Соғлиқни сақлаш вазири, хурматли Алишер Шодмонов!**



Сиз шифокорларнинг ҳавфсизлигини ўйлаётганингиз таҳсинга сазовор. Баъзи-баъзида бўлса-да, шифокорга муштумзўрлик қилаётганларга жиддий чора кўриш керак. Шу билан бирга, вақтида кимгадир тиббий ёрдам кўрсатишдан бўйин товлаётган шифокорлар, шифохоналардаги узундан-узук навбатлару таниш-билишчиликлар кўринишидаги «айрим» муаммоларни ҳам сиз айтаётган масала билан биргаликда олиб чиқсангиз адолатдан бўлмайдими?

Сўнгги йилларда аҳолиси сезиларли кўпайган Сергели ва бошқа шунга ўхшаган туманларда битта ҳам болалар шифохонаси йўқлигидан сизнинг хабарингиз борми? Бунинг оқибатида канча одамлар муаммоларга дуч келаётгани, ортиқча харажатларга тушаётганидан-чи? Мана шундай муаммоларни юқорига кўтариб чиқиш кўпроқ муҳим эмасми?

Бирор яқинини йўқотган одамга осон тутиб бўлмайди. Агар бу қайсидир шифокорнинг ҳаракатсизлиги, зиммасидаги вазифага совуққонлик билан қарашу туфайли содир бўлган бўлса, ўша шифокорнинг ҳагти-ҳаракатини оқлаб бўладими?

2017-2018 йиллар давомида 300 га яқин ҳолатда беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига ноқонуний тажовуз қилиниши билан боғлиқ қонунбузарликлар содир этилганини айтибсиз. Хўш, ўша вақт давомида вазифасига совуққонлик билан қараган канча шифокорга қандай чора кўрилди? «Тез ёрдам» вақтида бормагани ёки шифохонада нотўғри таъхис билан даволаш туфайли канча одам ҳаётдан бевақт кўз юмди? Мана шу маълумотларни ҳам келтирсангиз адолатлироқ бўларди бизнингча. Яқин орада вазифасини бажармаган шифокор ёки кечкичи келган «тез ёрдам»га фалон чора кўрилди, деган маълумотга бирор жойда кўзимиз тушмади.

Туғуруқхоналардаги суюнчи пули ниқобидаги «бер-берлар» ҳақида ёзмаган оммавий ахборот воситаси қолмади ҳисоб. Нима учун бирорта туғуруқхонада шунга қарши қандай курашилаётгани ёхуд қимларгадир чора кўрилгани тўғрисида икки сатр ҳам ахборот ўқимадик? Бундай ҳолатлар ҳалигача давом этаётганини ҳеч ким инкор этмайди, фақат қаергадир бу ҳақда шикоят қилишга андиша қилади, холос.

Ҳуқуқ билан бурч ҳамиша ёнма-ён туриши зарур. Шифокорларга тажовузлар кўпаймоқдами, демак, соҳада ҳал этилиши шарт бўлган талай муаммолар бор. Ҳозир Жиноят кодексига қўшимча қиритиб қўйиш мумкин. Аммо ўша муаммолар шу билан барҳам топадими?..

Камолитдин ШАМС



**Вазифасига совуққонлик билан қараган шифокорларга қандай чора кўрилди? «Тез ёрдам» вақтида бормагани ёки нотўғри таъхис туфайли канча одам ҳаётдан бевақт кўз юмди?**

Сайхон ерга ниҳол экилса, йиллар ўтиб бу ер кўркам манзара касб этади. Кўр тўка бошлаган дарахт соясида одамлар ҳузур топадилар. Мевасидан тотиб, роҳатланадилар. Эски иморатлар ўрнига янгилари тикланса, манзиллар янада кўркамлашади. Йўллар кенг ва равон бўлганида эл-юрт тароватига кўрк қўшилади. Аслида буларнинг барчаси одамзоднинг ободликка интилиши меваси.



Ўша фото ариштирилди.

## Каъбадан-да азиз ва авлороқ маскан

Кишининг ободликка интилиши даставвал унинг яшаётган манзил-маконидан бошланади. Ҳовлига турфа гуллар экиб, хонадонни саранжом-сариншта тутушининг ўзи ободлик деб ҳисобланади. Бундай гўзал ва тароватли манзара кўнгилга кўчирилса-чи, бу эса инсон интилиши керак бўлган энг асосий мақсад саналади.

Ҳовли ва хонадондаги бетартиблик хунук кўринишни келтириб чиқаради. Хунуклик кўзга ташланган ондаёқ диллардаги хижиллик, изтироб алан-галадани. Бундай ёмон манзаралар орасида яшаш, мутахассисларнинг фикрига кўра, умрнинг кискаришига ҳам сабаб бўлар экан. Буни чуқур англаб етганлар манзил-маконни вайрона, хароб аҳволда бўлса, таъмирлашга, кўркамлантиришга ҳаракат қилади.

Аждодларимиз кўнгили ободлигига азиздан энг муҳим масала сифатида эътибор қаратишган. Инсон сўлими ва гўзал масканда яшаб туриб ғам-аламлардан дили зада бўлса, ҳаёт наъшаси унга тагиши даргумон. Муаммо ёхуд дарду хасратлари қалашиб ётган кенг ва чиройли гўшалар ҳам кўзига тор ва файзсиз кўринади. Ундан ҳол сўргувчи, ҳасратини тинглаб, таскин ва зарур маслаҳатларни бергувчи топилмаса, дили вайронага айланиб бораверади.

**Донлар инсон инсоннинг ҳолидан огоҳ бўлишни одамийлик шеvasи деб талқин қилишган. Ўқсиб турган кишидан ҳол сўрашнинг савоби нақадар чексизлиги ҳақида кўп таъкидланиб, ҳатто бу иш муқаддас қибламиз саналмиш Каъбани зиёрат қилиш, уни обод этиш билан тенглаштирилган.**

Айниқса, Алишер Навоий асарларида бу мавзуга тез-тез мурожаат қилинади.

*Васл ила қилгил бузуе кўнглим  
иложсинким, қилур  
Шоҳ адл этмак била  
вайроналар таъмирини,*

дея хитоб қилган бобомиз «Бадоеъ ул-васат» девонидаги ғазалларидан бирида.

Дарҳақиқат, хаста, дардманд, дили ўксиган кишилардан ҳол сўраш — шохлик маснадидаги тадбирлар билан тенг. Чунки ҳол сўрагувчи кўнгили муҳитидан хабардор бўлади. Кўнгили қошонаси нималар билан зийнатланган? Ҳаёт ишқи деб аталмиш нақшу нигорларни ғамнинг қора дудлари босиб қўймайтими? Дард тўзони шодлик чаманини пайхон этмадими? Булардан вокиф бўлиш улуғ мансаб эгаларига хос фазилатдир. Шу боис ҳам Алишер Навоий хижрондан изтироб чекаётганида қошига ҳол сўраб келган дўстни шох маснадида кўтарди. Чунки аҳволи руҳияга ўз дийдори ила фарахлик бағишловчи дўст — ўқик кўнгили учун одил ҳукмдор саналади. Ғамгин дил соҳиби эса дўстнинг қошида ўзини мададга муҳтож фуқародай ҳис этади.

Бошқа бир ғазалида хазрат Алишер Навоий:

*Кимки бир кўнгли бузуенинг  
хотирин шод айлағай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса,  
обод айлағай,*

деб ўзининг қимматли сабогини берган. Каъба қадимий Ҳижоз ўлкасининг Макка шаҳрида жойлашган. Уни ҳаёти давомида имкон топган одам ҳеч бўлмаганда бир марта зиёрат қилиши мусулмонлар учун фарз амал ҳисобланади. Хўш, инсон учун бу табаррук маскан каби азиз ва авлороқ бўлган ўзга бир маъво борми? Алишер Навоий одамзод кўнглини Каъба туллоҳ сингари қадрли деб билишга чақиради. Ўзгалардан ҳол-аҳвол сўраш, чорасизларни қўллаб-қувватловчи бўлиш нафақат Каъбани зиёрат қилиш, балки уни таъмирлаб, қайта тиклаб, обод этиш билан тенг экани даҳо шоир дарсларида жуда кўп бора уқтирилади.

Айтишларича, ер юзидеги Каъба туллоҳнинг нақ тепасида — еттинчи фалакда Парвардигорнинг Байтул Маъмури жойлашган экан. Байтул

Маъмур — Аллоҳнинг самовотдаги уйи сифатида таърифланади. Хар куни ушбу муқаддас даргоҳни лак-лак фаришталар зиёрат қилиши тўғрисида бир қанча диний-маърифий манбаларда айтиб ўтилади.

Байтул Маъмур — Аллоҳнинг қудрати, қодирлиги, раҳиму раҳмонлиги, жобури қаххорлиги тимсоли. Таъкидланишича, Байтул Маъмур ўн саккиз минг оламга маъмурлик қилинадиган бошқарув қароргоҳи саналади. Нақ унинг остида — ер юзининг марказида Каъбаи муаззама жойлаштирилиб, мўминлар учун зиёратгоҳ қилиб берилган. Уни Аллоҳнинг ер юзидеги уйи, деб эътироф қилинади. Ҳақиқатда эса Парвардигорнинг жойи ломақондир, деб уқтиради хикмат соҳиблари. «Ломақон» сўзи маконсиз, аниқ манзил, қўналғасиз деган маъноларни англатади.

Дарҳақиқат, Аллоҳ ўз қудрати чексизлигидан келиб чиқиб, макон ва манзилга муҳтож эмас. У чиндан ҳам ломақондадир. Уни бандаси касрда ва қачон истаса, У ўша ерда хозирдир. У яқинлашган бандага яқин, юзланганнинг рўпарасидадир. Инсон ўзи севган, ёқтирган кишисига уйининг тўридан жой бергани каби Яратганга қалбидан жой беради. Шу боис ҳам қалб Аллоҳнинг назаргоҳи дея талқин қилинади. Инчунун, кўнгили, қалбнинг кадр-қиммати пурфайз Каъбаники билан тенгдир.

*Юз Каъбадан ортуқдур  
Бир Каъба зиёрати,*

деб ёзган эди ўрта аср турк мутасаввиф шоири Юнус Эмро.

*Нетай, Бедил, бориб обод Каъба,  
У бўлмас дилдаги вайроналарча,*

дея хайкирган экан ўз даврида Мирзо Абдулқодир Бедил. Алишер Навоий бу хитобларни янада қоллантириб:

*Эрурсен шоҳ — агар огоҳсен сен,  
Агар огоҳсен сен — шоҳсен сен,*

дея бонг урган ўзининг «Хамса»сида.

Аслида хар бир инсон ўз руҳий дунёсининг ҳукмдори. Унинг адолат ва одамийлик тамойилига нечоғли содиқлиги қалб салтанати — сийратидан белги беради. Сийрати пок инсонлар эса ўзгалар кўнглини муқаддас ва муаззам гўша деб билади ва уни хамиша ардоқлашга, зиёрат қилишга ошқикади. Зеро, буни мир Алишер Навоийнинг мангуликка даҳлдор сабоқлари ҳам шууримизга нақш этиб туради.

## Сароб...

Само денгизда сузиб юрган саккоқуш галаси... Улар Судочье кўли томон ошқикади. Олдинда йўл бошловчи. Ортида бошқа қушлар. Сардор тўдани етишиб учинга чакиргани-чакирган. Қушлар йўлида учраган биринчи кўлга кўниб ўтиш ниятида эди. Ўша жойда озикланишни, чўмилишни, ҳуллас, бироз нафас ростлаб, хордик чиқаришни мўлжал қилишган. Ҳали манзилга анча бор, унғача қанча қутилмаган хавф-хатарга рўбарў келиш ҳеч гап эмас.



Афсуски, ҳаял ўтмай бу тахмин тўғри чиқди. Ногаҳон қушлар томон уч-тўртта бўйнида туки йўқ қалхатлар селдек бостириб кела бошлади. Саккоқушлар галаси тезроқ учини ҳаракатига тушишди. Бунақа воқеани кўриб кўзи пишиб кетган беш-олтита қари саккоқуш эса тезлашмади, довдирагани ҳам йўқ. Аксинча, йирткичлар ёнига жадал борди. Оч қалхатлар жоним-отим деб ўлжага ташланди. Ҳаё-паш дегунча, ўлжани тилка-пора қилди. Бу вақт бошқа қушлар анча ергача бориб қолганди. Қалхат касалванд, кекса, учинга ярамай қолган саккоқушни ўлжа олди. Бу хар мавсум тақрорланади. Қанотли дўстларимизнинг элдошларига кўрсатган жон фидолигини кўриб, қойил қолади киши. Нега биз инсонлар баъзан ўз туғишган инимизга ҳам меҳр бера олмаймиз деган оғир ўй кечади кўнгиладан.

...Ниҳоят, қушлар эркин нафас ола бошлайди. Негадир, вақт секин ўтапти. Ёки уларга шундай туюлаётганмикин? Иншадий, эсон-омон манзилига етиб олсинда. Аммо истак ҳадеганда амалга ошмас экан. Қушлар айнан ўша куни саробга алданиб ҳалок бўлишни билмас эди. Қандай қилиб дейсизми?

Бобо қуёш нурулари сарҳадсиз, бепоён қумдаги чанг-тўзонни товус патидий жилвалантиради. Ўша маҳал эпкинда ўт-ўланлар қўм-қўқ денгизга ўхшаб тўлқинлана-вереди-тўлқинланаверади. Бу гўзал, жилвакор манзарани кўрган, дунё кезган сайёҳ қушлар ўзини тийиб туролмайди. Пастликка шўнғийди... Аммо тошларга урилиб ҳалок бўлади.

Устиюртнинг поёни йўқ кумликларида онда-сонда бўлса-да, шундай воқеалар содир бўлиб туради.

Улўғбек ЖУМАЕВ

## ҲИҚМАТ


Агар темир ишлатилмаса, занглайди. Агар сув ҳаракатланиб турмаса, айнийди. Агар киши фикрламаса, ақлда ҳам шундай ҳолат юз беради.

Леонардо да-ВИНЧИ

Эрпўлат БАХТ

Шовот туманидаги Чигатойқалъа қишлоғининг Гулистон маҳалласига борсангиз, 20-сон умумтаълим мактабининг ёнгинасида қаровсиз ётган бинога кўзингиз тушади. Ҳалиям шундай иншоотлар бор экан-да, деб ёқа ушлайсиз. Бу жойда бир вақтлар болалар қувончи жаранглаб турганига ишонгингиз келмайди.

# Маҳаллага боғча керак, боғча учун ақча керак



## Вайрон бўлган «Орзу»...

Бу ерда 1985 йилда қатта орзу-умидлар билан боғча бунёд этилган эди. 2015 йилгача фаолият олиб борган мазкур боғча бугунги кунда абгор аҳволда. Тўғриси айтсак, қаровсиз. Бир пайтлари 90 нафар болани ўз бағрига олиб улғайтирган маскан эндиликда ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган ўз жигарбандлари ташлаб кўйган қариядек тўкилиб турибди.

«Орзу» деб номланувчи бу боғчани кўрганнинг ичи ачийди. Эсизгина... дейишдан бошқа иложингиз йўқ-да.

Бизнинг суратга олиб юрганимизни кўрган, ўзини Пошшажон опа Машарипова деб таништирган аёл гап бошлади.

— Бу боғча интернетда чиқди, телевидениеда чиқди. Порталга, халқ қабулхоналарига ёзилди, аммо натижа бўлмади. Суратга олишди, видеога олишди. Бутун республикага кўрсатишди. Аммо унинг тақдири ҳалигача ҳеч бир мутасаддини безовта қилаётгани йўқ.

Унинг гапларидан «Сиз кимсизу қилаётган ишингиз нима бўларди», деган маънони англаш қийин эмасди. Бу ҳам табиий ҳол. Сабаби, маҳалла ахлининг ёзмаган жойи, учрашмаган раҳбари қолмаган экан.

Шовот туманидаги Чигатойқалъа қишлоғининг Гулистон маҳалласи туман марказидан 7 километр узокликда жойлашган. Унда 3 минг 420 нафар аҳоли 817 та хонадонда истиқомат қилади.

Маҳалла ахлининг сўзларига кўра, сўнгги йигирма йил нари-бериснда маҳаллада бирорта маданий, ижтимоий-иқтисодий объект қурилмаган. Ақсинча, борларининг анча-мунчаси тугатилиб, мулки талон-торож қилиб юборилган.

1985 йилда «Мехнатобод» жамоа хўжалиги маблағи ҳисобига маҳаллада «Орзу» мактабгача таълим муассасаси қурилган. Унда шу маҳалла болалари таълим-тарбия олган. Маҳалла аҳолисининг айтишича, 2015 йилда боғча капитал таъмирлаш баҳонасида ёпилган, аммо хозирги кунгача ҳеч қандай таъмирлаш ишлари бажарилмаган ва қаровсиз аҳволда, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Уни тугатиб юбориш ҳақида бирор қарор мавжуд эмас, аммо боғча мулки (яъни, давлат мулки) талон-торож қилиб юборилган.

## «Бизни эшитар киши борми?»

Шу маҳаллада яшовчи Жуманазар ака Матчонов узок йиллар мактабда директор бўлиб ишлаган. У мазкур боғча билан боғлиқ воқеаларни қуйидагича изоҳлайди.

— Боғчанинг ёпилиб кетмаслиги учун

**Таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим. Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилди. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

(Президентнинг Олий Мажлисига мурожаатномасидан)

у ерда ишлаётган тарбиячилар ва бошқа ходимлар жуда қаттиқ ҳаракат қилишди. Бу билан кам таъминланган оила болаларининг боғчадан қолиб кетмаслиги, муассасанинг эса ёпилиб, тугатиб юборилмаслигига умид қилишди. Ахир, иложсиз қолишди. Ахир, қандай қилиб бундай ходимларни ишсиз қолдириш мумкин? — дейди Жуманазар ака.

**Ҳа, оқибатда ўн нафардан зиёд ходим ишсиз қолиб кетаверган. Ҳозирги даврда битта бўлса ҳам ишчи ўрни яратиш учун қанчалик ҳаракат қилинаётганини кўзингиз олдида келтирсангиз, бу ҳолат жиноятдан бошқа нарса эмас.**

Айни пайтда, маҳалла болалари бошқа ҳудуддаги тўрт-беш чақирим узокликдаги боғчаларга катнашга мажбур. Бу жуда узок ва ноқулай. Бундай харажатларни фақат шахсий транспорти бор ва ўзига тўқ оилаларгина кўтара олади. Улар эса табиийки кўп эмас.

1985 йилда барпо қилинган боғча кейинчалик бир неча марта шу маҳалла фуқароларининг ташаббуси ва хашари билан таъмирлаб берилган. У жуда пухта қурилган бўлса-да, 33 йилда эскириб, яроқсиз ҳолга келишига ишонгинг келмайди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Каримбой ака Ёқубов билан бинонинг ён атрофларини айланамиз. Ҳақиқатда

муस्ताҳкам қурилган. Аммо қаровсизлиги, талон-торож туфайли ачинарли аҳволга тушган.

Маҳалла фуқаролар йиғини раисидан бу ҳолга изох сўрадик.

— Болалар боғчасининг ишламай турганига беш йил бўляпти. Эскирди шекилли, жорий йилда йиқиб, янгидан қуришмоқчи, — дейди у.

Ушбу ҳолатга янада аниқлик киритиш мақсадида тумандаги мазкур соҳа мутасаддилари билан телефон орқали боғландик. Бизнинг келганимизни эшитган раҳбарлар зум ўтмай боғча жойлашган маҳаллага етиб келишди.

— Бу бинони мутасадди ташкилотлар яроқсиз деб топишди. Тўғривоғи, бузилишга тушди. Бу бутунлай бузиб ташланиб, янгидан замонавий боғча қурилади, — дейди туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи Мухиддин ҚУРАМБОЕВ масалага ойдинлик киритиб. — Мазкур мактабгача таълим муассасаси дастурга киритилган бўлиб, шу йил қурилиши мўлжалланмоқда.

Бу гапларга биз ишондик, аммо маҳалла ахли ишонмади. Нега дейсизми? Чунки мутасаддиларнинг бундай ваъдаларини эшитавериб уларнинг қудоклари пишиб кетган-да.

## Ўғай қишлоқ

Туманда болаларни боғчага камраб олиш неча фойзга ташкил этади, деган саволимизга туман МТМ бўлими мудирини ўринбосари Ирода Бобожонованинг жавоби қуйидагича бўлди:

— 29,6 фойз. Жорий йилда туманда иккита боғча қуриляпти. Улардан ташқари хонадон боғчалари ташкил этиляпти. Шуларнинг ҳисобига бу йил камровни 60-70 фойзга етказамиз.

Гулистон маҳалласида боғча ёшидаги болалар 479 нафар экан. Ана шу болаларнинг 50 фойзга яқини кўшни ҳудуддаги боғчага катнайди, десак, тенг ярми боғчага бормайди. Бу йил маҳаллада учта «хонадон-боғча» ташкил этиш мўлжалланган. Бу барибир камлик қилиши қандай равшан.

«Маҳаллада тadbиркорлик объеклари борми?», деган саволимизга пенсионер Жуманазар ака Матчонов қуйидагича жавоб берди:

— Оддий сартарошхонаям йўқ маҳаллада. Соч-соқол олдиришга туман марказига катнаймиз. Бир пайтлари 40 минг китоб фондига эга кутубхонамиз бўларди. Уям ёпилиб кетди. Бир маҳалладошимиз маҳалла гузари қурмоқчи бўлди, унга ҳам руҳсат тегмади. Тоza ичимлик сув таъминоти ҳам барбод бўлди. КВПМиз ҳам тугатилди. Қай бирини айтай сизга... — дейди қуйиниб. — Бизнинг холимиздан ким хабар олади? Нима «Гулистон» Шовотга ўғайми?

Бугун ҳудудларга бириктирилган сектор ва мутасадди раҳбарлар уйма-уй юриш орқали аҳолини қийнаб келаятган муаммоларни аниқлаб, жойида ечим топишга қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилмоқда. Демак, Шовот тумани раҳбарларининг биз юқорида тилга олиб ўтган ҳолатлар бўйича тезроқ ўзгаришлар бошланиши кутиб қоламиз. Халқ шундагина бундай раҳбарларни бошига кўтаради, ардоқлайди, раҳмат айтади. Акс ҳолда, масъулиятни унутган раҳбарлар халқнинг эътиборидан тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

**Болтабой МУҲАММАД ҚУРБОН**

# Тарбия санъати

Сухбат орасида бир дўстимга:

— Қирк кунлик чакалоқни тарбиясига олишини ўтириб, аллома хузурига олиб борган ота-она хақидаги машҳур ривоят ёдингиздир?.. Ана шу ривоятдаги алломанинг: «Фарзанд тарбиясига қирк кун кечикибсиз», дея билдирган эътирози боисини англагандекман. Ривоятдаги ота-онанинг айби ният ва хоҳишни қирк кун кечиктирганликда бўлса керак, — деган фикрни билдирдим. Дўстим бўлса:

— Аслида улар фарзанд тарбиясига қирк кун эмас, қирк йил кечиктишган. Бу ниятнинг амалга ошмаганига сабаб хоҳишнинг тор доира ичига олиниб, амалга — ҳаракат, орзуга — парво, ниятга баландлик етишмаган, — дея ривоят қатидаги ҳикматни изоҳлади. Мен бўлса, орамизда шундай тирик китоблар ҳам бор экан-а, дея унинг фикрини тасдиқладим.

Дарвоқе, улуғ донишманддан: «Фарзанд тарбияси қачондан бошланади?» деб сўрашган экан, «зурриёднинг онасини танлашдан», дея жавоб берибди у. Яқин йилларда яшаб, фаолият юритган олимлардан бири ушбу саволни олий таълим даргоҳидаги устозидан сўраса, устози: «Фарзанд тарбиясининг қачондан бошланишини билмадим-у, аммо бола дунёга келган заҳоти саккиз босқичдан иборат бўлган тарбиянинг беши қўлдан бой берилиб, учтасигагина имкон қолади», деган экан.

Наслининг саодатманд бўлишини орзулаган ҳар бир инсон борки, ўзига муносиб, маънан етуқ инсон билан турмуш қуришга интилади. Инсоннинг бу жўнгина тилагини бугунги кундаги етуқ фаробларни ҳам тасдиқлайди:

**«ДНК молекуласидаги оқсилларнинг жойлашу тартиби ҳар бир инсонда ўзига хос бўлиб, бизнинг**

**генетик кодими ҳисобланади. У ҳар бир тирик ҳужайраимизда ҳозир. Инсоннинг битта ҳужайрасида 6 миллиардга яқин нуклеотид жуфтлари бўлиб, уларда насл ҳақидаги ахборот сақланувчи 30 минг ген мавжуд. Унинг ёрдамида кўзларимиз, сочларимизнинг ранги, тана тузилишимиз ва хулқ-атворимиз, касалликларимиз, ҳатто одатларимиз ҳам фарзандларимизга ўтади».**

Инсоннинг сўлаги таркибида ҳам ана шу тирик ҳужайралар бор. Шу боисдан халқимиз орасида яхши инсонларни кўрганда ҳавасланиб: «Боламнинг оғзига туғлаб қўйинг», деган ибора ишлатилади. Азал-азалдан улуғ ҳақимларнинг нафасидан янги туғилган чакалоқларни уларнинг хузурига олиб бориш урф бўлган. Табаррук зотлар

эса элнинг раёини қайтармай, болага исм қўйиб, хурмонингми-олманингми кокисини чайнаб, гўдақнинг оғзига солиб қўйишган. Шундай экан, фарзанднинг ота-онага ўхшашлик эҳтимоли не чоғ юқори эканини ўзингиз чамалаб олаверинг.

Гўёки ота-онанинг вужуди, рухияти фарзанднинг камол топишидаги бир лой бўлса, уларнинг фарзанд устида юргизган тутумлари, айтаётган гап-сўзлари, буйруғу қайтариқлари кулол кўлиди. Кўзанинг ҳосил бўлишига замин хозирлайдиган ускуна эса фалақнинг гардиши, яъни Яратганнинг иши. Бу борада ота-онанинг қўлидан келадигани эса: ўй, истақ, ният ва дуо. Шундай экан, ота-оналик бурчи ҳар томонлама хушёр бўлишни такозо этади. Бирок инсон бу дунёда мансаби, бойлиги

билан фахрлангани каби, гоҳида фарзанди ҳам унинг калбида ифтихор туйғусини уйғотиши мумкин. Ана шу туйғу сабаб баъзан инсон ғафлат гирдобиди қолиб, ёш ниҳол — фарзанд тарбиясини енгил санайди.

Шарқ мутафаккирлари Жаллоддин Румийнинг асаридан олинган куйидаги қиссани мол-дунё, мансаб-мартаба ва фарзандга қийслайдилар:

Бир ҳақим чиройли товусни кўриб, унинг гўзаллигидан хайратланди. Лекин товуснинг қағиллаши, чиройли патларини юлиши ҳақимни ажаблантирди. Бу манзарага чидай олмаган ҳақим товусга:

— Нега кўркам патларингни юляпсан? Бу патларни ерга ташлашга қандай кўзинг қийди? Бу Яратган берган неъматига ношукрлик эмасми? — деди.



Ҳақимнинг гапларини эшитган товус фарёд чекиб йиғлади ва:

— Эй ҳақим, сен сувратнинг жозибасига қараб ҳукм қилисан. Гўзал қанотим, сержилло патларим бошимга минг турли балоларни келтирди. Барча чеккан заҳматларим мана шу патларим туфайлидир. Токи бу патлар менда мужассам экан, ўзимни химоя қилишга ожизман. Бундан кўра қўримсиз бир куш бўлиб, халқнинг назарида бўлмасам, эрким ўзимда бўлиб, истаган жойимда кезардим. Мана шу зийнат ва сифатлар туфайли душманларим бисёр, — деди.



Мол-дунё, мансаб-мартаба каби фарзандлар ҳам инсоннинг бу дунёдаги зийнати. Уларни бериш ҳам, қайтариб олиш ҳам Яратганнинг иродаси билан амалга ошади. Аммо мазкур зийнатларнинг салмоғига яраша масъуллиги, жавобгарлиги бор. Юқоридаги ривоят ана шу ҳақ ва вазифаларни ҳамиша ёдда тутишга чақиради.

Сўзимизни буюқ олмон файласуфи Эмануил Кантнинг тарбия хақидаги куйидаги фикрлари билан яқунлаймиз: «Тарбия санъатдир, унинг ижроси кўп-лаб авлодлар томонидан такомиллаштирилади. Ҳар қайси авлод ўзидан аввал яшаб ўтган аждод билими билан қуролланиб, шундай бир тарбияни вужудга келтирса, инсоннинг барча табиий қобилиятлари максалда мувофиқ тарзда ривожланиб, бутун инсониятни орзу-мақсадлари сари етаклайди».

## ДАРОМАД

### Имконият қўлингда, ҳаракат ўзингда

Ҳаётдан нолиб, ҳамма нарсадан камчилик излаб, қачон қарасанг, иши юрмишмаганидан тушкун кайфиятда юрадиганлар йўқ эмас. Одамларнинг яна бир тоифаси борки, ҳаракатчан, изланувчан ва ташаббускор бўлиб, эзгулик ҳисларини бошқаларга улашиб яшайди. Энг яхши ғоялар, янгича фикрлар ҳам ана шундай кишилардан туғилади, аслида.



Кўз илғамайдиган арзимаган нарсалардан ҳам кишини қувонтирадиган бежирим ижод маҳсули яратиш эса ҳақиқий ижодкорга хос сифатлардан бири.

— Тошкент архитектура-қурилиш институти магистратура босқичининг ландшафт дизайни йўналишини битирганман, — дейди Феруза ТОШМУҲАММЕДОВА. — Турмушга чикқанимдан сўнг, барча келинлар сингари оиладаги вазибаларим ортиб, кундалик юмушларга шўнгиб кетдим. Бирок менда янгича истақ пайдо бўлди. Уйда ўтириб ёки ишдан ташқари бўш вақтларда фойдали ва қизиқарли машғулотлардан бири тўғрисида ўйлаб бошладим ва топдим. Ҳар ким қила оладиган, айниқса, уй бекалари учун сердаромад иш бу — «hand made», яъни қўлда ясалган буюмлардир. Булар

каторида қўлда ясалган гуллар, 3D шаклидаги гулли сурат-портретлар, турли манзаралар, эсдалик буюмларни санаб ўтишим мумкин.

Аваллига, интернетдан ўрганиб, кичик-кичик нарсалар ясай бошладим. Қилган ишларимни бир четга олиб кўярдим. Чунки атрофдагиларга кўрсатишга бироз ийманардим. Бир кун яқин қариндошимизнинг туғилган кунига тўсатдан борадиган бўлиб қолдик. Нима совға олишни билмай бошимиз қотиб турган эди, шунда ўзим ясаган ижодий ишлардан бирини олиб, туғилган кун эгасига туҳфа қилдик. Йиғилган меҳмонларнинг ҳам ҳаваси келиб, бир-бир қўлларига олиб, томоша қилишди. Уша воқеа мени руҳлантирди ва ўз устимда жиддий ишлаб бошладим. Ҳозир хотин-қизларга билганларимни бўлишиб келаман, 80 дан ортиқ

шоғирдим бор.

Феруза опа айни пайтда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Касб таълими факультети «Меҳнат ва дизайн» кафедрасида фаолият юритади. Қолаверса, келгусида имтиёзли кредит асосида бизнес юритишни режалаштирган.

— Кун сайин миқозлар ортиб борапти, — дейди қаҳрамонимиз. — Иш бошлашдан аввал, ҳар бир харидорнинг талаб ва истақларини сўраб оламан. Миқознинг кўнглига ёқадиган нарса чиқиши учун бу жуда муҳим. Унга маъқул келмагунча мен ҳам тинчмайман, бошқатдан ясаб беришга тўғри келса-да, меҳнатдан қочмайман. Даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Бу хунари ўрганиб олишни уй бекаларига, талаба-қизларга тавсия қилган бўлардим.

Наргиза ЮНУСОВА

## Фото-факт



Сурхондарё вилояти Денов тумани ИИБ ЙХХБ биносидаги ҳар кунлик аҳвол



Uza.uz сайти Денов тумани ИИБ ЙХХБ биносида одамларнинг кун бўйи тартибсиз навбат талашишлари акс этган фотосуратларни эълон қилди.

Мутасаддилардан бундай ҳолатлар қачон бартараф этилиши борасида изох сўралган!



# МЕНИНГИТ

## болаларда кўп учрайди...ми?

**Сўнгги вақтларда турли ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда аҳоли ўртасида менингит касаллиги тарқалаётгани ҳақида хабарлар пайдо бўлмоқда. Аммо 14 март куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу ҳолат бўйича жойлардаги вазият юзасидан изоҳ берди ва эпидемиологик ҳолат барқарор, хавотирга ўрин йўқ, дея маълум қилди.**

Менингит — қандай касаллик? Унинг хавфи нимада ва у қимларда кўпроқ учрайди? Унинг олдини олиш ва даволаш чоралари борми? Шу каби саволлар юзасидан **Тошкент тиббиёт академияси юқумли касалликлар кафедраси доценти Акромжон ОБИДОВ**га мурожаат қилдик.

— Менингит — бош ва орқа мия пардасининг ўткир яллиғланиши оқибатида келиб чиқадиган юқумли касаллик, — дейди шифокор Акромжон Обидов. — Бу беморларда кучли бош оғриши, ҳароратнинг кўтарилиши, тўхтовсиз қайт қилиш каби ҳолатлар билан кузатилади. Касалликни кўзгатувчи бактерия одамдан одамга юқкани сабабли фақат одамлар касалланади. Ка-




саллик манбаи уни ташувчилар ҳисобланади. Жамоат жойларида, йиғинларда, мулоқот пайтида аксириш, йўталиш орқали менингит кўзгатувчи бактериялар юқиши мумкин. Шунингдек, бу касаллик йил давомида кузатилиши мумкин. Аммо уни кўпроқ мавсумий (*куз-қиш*) касаллик десак бўлади.

— Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари нима?

— Бунда, асосан, кўзгатувчи микроб организмга тушгандан сўнг юқори нафас йўллариининг шиллик қаватида яллиғланиш келиб чиқади ва захар ишлаб чиқаради. Бу захар мия кон томирларини ишдан чиқаради.

— Бу касаллик билан кўпроқ болалар оғрийди, дейишди. Бунинг сабаби нимада?

— Бир ойлик чақалоқларда менингит касаллиги учрамайди. Асосан, олти ойдан беш ёшгача бўлган болаларда аломатлар сезила бошлайди. Чунки уларда иммунитет системаси яхши



шакланмаган бўлади. Юқорида айтиб ўтганимиздек унинг даврийлиги ноябрь ойдан кишининг сўнгги ойларига қадар чўзилиши мумкин. Айнан шу даврда хаво ҳарорати кескин ўзгаради, инсон организмда турли витамин ва минералларга бўлган эхтиёж кучаяди. Уларнинг етишмаслиги эса касалликка йўл очади. Бундан ташқари, боғча ва мактабларда хаво-томчи ва бошқа омиларга кўра касалликни юктириб олиши мумкин.

— Менингит қандай белгилар билан намоён бўлади?

— Кишида томоқ оғриши, томоқда қичиш, бурин битиши кўнгил айнаш, тўхтовсиз қайт қилиш, қаттиқ бош оғриши, шовқин ва ёруғликка таъсирчанликнинг ортиши ҳамда болаларда ҳушини йўқотиш ёки тутқаноқ хуружлари билан намоён бўлиши мумкин. Менингитнинг баъзи турларида танага тошмалар тошиб кетади.

**Касалликнинг ҳатто эрта босқичларида онг чалқайиши, ҳаддан ташқари ҳолсизлик ёки кўзгалиш намоён бўлиши ҳам мумкин.**

— Беморларни даволаш усуллари қандай? Уни уй шароитида даволаб бўладими?

— Менингит билан касалланган беморларни ҳеч қачон уй шароитида даволаш тавсия этилмайди. Чунки бу касаллик кўплаб асоратларга олиб келади. Ушбу касаллик лаборатория текшируви орқали аниқланади. Агар кишида бу касалликнинг клиник белгилари кузатилса, зудлик билан шифокорга мурожаат этиш лозим. Аввало, беморнинг сезгирлигига қараб антибактериал дори воситалари қўлланилади. Агар касаллик тезда даволанмаса, жуда оғир ҳолатларга олиб келади.

— Беморларда қандай асорат кечади?

— Менингит жуда кўп асо-

ратларга олиб келиши мумкин. Булардан биринчиси мия шишиши. Ута оғир ҳолатларда эса фалажликни ҳам келтириб чиқаради. Шунингдек, кишида ортқича вазнининг тўпланиши, буйраклар ва буйрак усти зарарланишига ҳам олиб келади. Умуман олганда, уни вақтида даволамаса, кўплаб ички аъзоларни зарарлаши эҳтимолдан холи эмас.

— Касалликнинг олдини олишда нималарга аҳамият бериш керак?

— Менингит касаллигининг олдини олиш жуда осон. Бунинг учун болаларни аввало олдий гигиена қоидаларига ўргатиб бориш керак. Касаллик мавсуми бўлган куз-қиш ойларида махсус гигиеник никоблар тақиш тавсия этилади. Шунингдек, хоналарни тез-тез шамоллатиш лозим.

Яна шунини айтиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда жуда аҳамиятли бу вакцинация ишларини ўтказиш. Ҳаж ва Умра, чет эл сафарларига борадиган кишиларга вакцинация ишлари амалга оширилади. Ҳозирги кунда шаҳарларда ҳам вакцинация ишлари олиб борилмоқда. Вакцина қабул қилган кишида маълум бир вақт иммунитет сақланади. Менингит бир одамдан бошқа одамга юқкан сари кучайиб боради. Шу боис имкон қадар юқиш эҳтимоли бўлган ҳар қандай ҳолатнинг олдини олиш жуда муҳим ўрин тутди.

«Оила даврасида» муҳбири  
Бекзод НАСИМБОВ  
ёзиб олди.

РЕКЛАМА

MT MATBUOT  
TARQATUVCHI  
AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

# «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси жамоаси

Юртдошларимизни Наврўз Байрами  
шодиёналари билан самимий табриклайди!

Ватанимиз равнақи, юрт ободлиги йўлидаги хайрли  
ишларингизга муваффақиятлар тилайди!

Наврўзи олам хонадонларимизни мунаввар этаверсин!

Матбуот  
нашрларига  
обуна  
бўлинг!



# «ТРАСТБАНК»

хусусий акциядорлик банки жамоаси

21 март — Наврўзи олам

билан юртимиз аҳолиси ва меҳмонларини самимий  
муборакбод этади!

Ушбу ажиб байрам санаси арафасида  
«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки  
миллий валютада янги омонат  
турини таклиф этади:

«Ишонч» омонатига йиллик 20 фоиз  
даромад тўланади. Омонат муддати - 36 ой.  
Депозитнинг минимал миқдори  
1 000 000 сўм.

Депозит муддатидан аввал ёпилганда,  
унинг омонатига ҳисобланган  
хар 6 ойлик фоизлар сакланиб қолади  
ва тўлаб берилади.

Омонатчи омонатга дастлабки  
24 ой давомида ҳар ойда бир марта  
қўшимча бадал киритиши мумкин.

Шунингдек, банк UZCARD пластик кар-  
тасига эга жисмоний шахсларнинг  
масофадан туриб банк хизматларидан  
фойдаланишлари учун оммабоп ва қулай  
«TrustPay» мобил иловасини таклиф этади.

Мурожаат учун: (+99878) 140-00-88

www.trustbank.uz

www.facebook.com/trustbank.uz

t.me/trustbank\_channel 1

www.instagram.com/trustbank\_uz/

Ушбу қувончли байрам кунлари арафасида Сизларга сўхат-саломатлик,  
бахт-омад, хонадонларингизга қут-барака, дастурхонларингизга  
тўкин-сочинлик, қўнғилларингизга хотиржамлик,  
Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши ва тараққий топган  
давлатлар қаторига қўтариш йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда  
улкан зафарлар тилаймиз!

Ҳар бир кунингиз қувончлардан иборат бўлсин.  
Ўзбекистон осмонида доимо тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин!

«ТРАСТБАНК» — ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ!

Хизматлар лицензияланган.



# TURON BANK

Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон  
халқимизни баҳор ва янгилашни байрами  
Наврўз айёми билан муборакбод этади!

Байрам муносабати билан «Туронбанк» АТБ миллий ва  
хорижий валюталарда жозибадор шартлардаги муддатли,  
жамғарма ва онлайн омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютадаги  
омонатлар 21%гача

Хорижий валютадаги  
омонатлар 6%гача



www.turonbank.uz

turonbank

turonbank

turonbankuz



99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган






# XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси  
юртдошларимизни яшариш ва янгилашни айёми —

## Наврўзи олам

билан самимий табриклайди! Юртимиз тинч, хонадонимиз файзли бўлсин!



### Халқ банкидан байрам акцияси!

- Халқ банкидан халқаро "Visa" тўлов картасини очиш, ушбу карталардаги маблағларни ечиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар bepул этиб белгиланди.
- Интернет тўлов ва смс хабарларга улашиш эса мутлақо bepул.
- Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси 15 АҚШ долларига туширилди.

Телефонлар: (71) 200-00-55, (78) 120-17-70, 120-17-32

📍 100096, Toshkent sh.,  
Qatortol ko'chasi, 46

☎ +998 71 200-00-55

📧 @xalqbanki

🌐 www.xb.uz

✉ info@xb.uz

Хизматлар лицензияланган.



IPAK YO'LI BANKI

# Assalom Navro'z

Yangilanish va uyg'onish  
bayrami bo'lmish Navro'zi olam  
muborak bo'lsin!

Хизматлар лицензияланган.

# «ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

Ўзбекистон аҳлини ва банк мижозларини  
баҳорнинг гўзал айёмларидан бири бўлмиш

## Наврўзи олам

билан самимий муборакбод этади.

Сизларга соғлиқ, омад ва  
оилавий бахт-саодат ёр бўлсин!

*Баҳорий кайфият  
сизни ҳеч қачон тарк этмасин!*



*Imkoniyat yaratamiz*

www.ipotekabank.uz  
Хизматлар лицензияланган.



## О'ЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

### ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни фойзли ва шукўҳли,  
қадримий ва миллий байрам —  
Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!*

*Осмонимиз халмиша мусарффо,  
халқимиз тинч-омон бўлсин!*

Хизматлар лицензияланган.



# Умидларни рўёбга чиқариб...

**Жиззах политехника институтини тамомлаган йигирма мингдан зиёд малакали мутахассислар бугунги кунда танлаган касби бўйича турли соҳаларда ўзини кўрсатмоқда.**

Умид — инсондаги энг ноёб фазилатлардан саналади. Негаки, ҳаётда, тириклик оламида ўз орзу-ниятлари, умиди бўлмаган бирор бир одамни излаб топиш амри маҳолдир. Захириддин Муҳаммад Бобур «Умидсиз чоғингда ҳам, умидингни сўндирма» дея ҳамisha неқбин бўлишни таъкидлайди. Бу ҳаётий сўзлар эл-улус кулоғига маҳкам ўрнашиб улгурган. Фасли баҳорнинг сарсари насимлари эсиб, қир-адирлар майса билан қопланган айни паллада кўнглимга бир олам умидларни жо қилган ҳолда Жиззах политехника институтини тамомлаган йигирма мингдан зиёд малакали мутахассислар бугунги кунда танлаган касби бўйича турли соҳаларда ўзини кўрсатмоқда.

магистратурада, икки нафар талаба Қозон Федерал университетини, яна икки нафари Москва архитектура университетида ўқишни давом эттирмоқда. Уларнинг муносиб издошлари кўпайиб бораётгани эса янада қувончлидир.

## Истеъдод нишонаси

Кўз очаётган булоқнинг тезроқ серсув манбага айланишига шароит туртки беради. Шу маънода, қаерда ёш

ёш олимларнинг ижодий ишларини сираям назардан четда қолдирмасликни уқтириб келади, — дейди Жиззах политехника институти ректори, техника фанлари номзоди, доцент Алишер УСМОНҚУЛОВ. — Дарҳақиқат, мазкур талабдан келиб чиққан ҳолда илм даргоҳимиз ёш олимлари томонидан амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар давлат илмий-техника дастурларида белгиланган устувор вазифалар ечимига йўналтирилаётгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, муқобил энергетика, қишлоқ хўжалиги, архитектура ва қурилиш, ахборот-коммуникация ҳамда саноат технологиялари сингари иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига оид изланишлар натижасида

**Комил ақл — кузги даладек**

Илм даргоҳи устозлари даврасида бўлганимда, улар 2017 йил куз ойида Корейнинг Чонг-Жо шаҳрида ўзбек жанг санъати бўйича ўтказилган халқаро турнирда мазкур институт талабаси Барно Қушбақова фахрли биринчи ўринга лойиқ қўрилганини оғзидан бол томиб айтиб қолишди. Бу қувончли хабар таъсирида турсам, шундоқкина ёнгинамизда шеърхонлик базми бошланиб кетди. Охишта бориб, айтишувга қулоқ осдим.

*Ҳаётинг яйрасин баҳорги даладай,  
Қора сел ва тоғдан сой қулар —  
ҳалак.*

*Булуллар ортида рангин камалак,  
Инсон орзулари гўллар лоладай,  
Ақлинг қомил бўлсин кузги даладай,  
Янтоқ донлар, ҳаво мумдайд тиниқар,  
Кўнглинг аллакимни истаб зориқар  
Тепангда чириллаб сайрайди  
тўрғай...*

Даврадагилар шоир қаламига мансуб бу ажойиб шеър таъсирида сеҳрланиб қолгандек.

Жиззах политехника институтининг ёшлар масалалари бўйича проректори, педагогика фанлари номзоди, доцент Нормурод Алимовнинг маълум қилишича, биргина 2018 йилда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган «Академик инновациялар фонди» грантида институт иккита лойиҳа билан иштирок этибди. Электротехникадан ўқув-илмий лаборатория ва ўқувчилар учун касбга йўналтирилган марказ очиш лойиҳаси бўйича 100 минг АҚШ доллари миқдоридан грант ютиб олишга муваффақ бўлишди. Ҳозирги кунда 40 минг АҚШ долларига лаборатория жиҳозлари олиб келиш бўйича ишлар олиб борилмоқда экан.

Жиззах политехника институтининг ҳашаматли, кенг ва ёруғ аудиторияларини орта қолдириб орта қайтаёtgанимизда, ўқишга, ҳаётга чанқок кўзлари билан олис-олисларга тикилиб турган кўплаб талаба-ёшларга кўзимиз тушди. Ниятни бутун қилиб, юксак довлонларни ишғол этишни кўзлаган бу ёшлар ўз орзуларига албатта эришишига шубҳа йўқ.

Улуғбек АКТАМОВ

## Жиззах политехника институтини тамомлаган йигирма мингдан зиёд малакали мутахассислар бугунги кунда танлаган касби бўйича турли соҳаларда ўзини кўрсатмоқда.

**Жиззах политехника институтини тамомлаган йигирма мингдан зиёд малакали мутахассислар бугунги кунда танлаган касби бўйича турли соҳаларда ўзини кўрсатмоқда.**

**Сиз азизларни баҳор ва эзгулик байрами, кўкламнинг энг қутлуғ айёми —**

**Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!**

**Хонадонларимизни қувончу шодлик, тинчлик ва осойишталик тарк этмасин!**

**Байрамингиз муборак бўлсин!**

Умид — инсондаги энг ноёб фазилатлардан саналади. Негаки, ҳаётда, тириклик оламида ўз орзу-ниятлари, умиди бўлмаган бирор бир одамни излаб топиш амри маҳолдир. Захириддин Муҳаммад Бобур «Умидсиз чоғингда ҳам, умидингни сўндирма» дея ҳамisha неқбин бўлишни таъкидлайди. Бу ҳаётий сўзлар эл-улус кулоғига маҳкам ўрнашиб улгурган. Фасли баҳорнинг сарсари насимлари эсиб, қир-адирлар майса билан қопланган айни паллада кўнглимга бир олам умидларни жо қилган ҳолда Жиззах политехника институтини тамомлаган йигирма мингдан зиёд малакали мутахассислар бугунги кунда танлаган касби бўйича турли соҳаларда ўзини кўрсатмоқда.

ва иқтидорли мутахассисларга етарли шароит ҳозирланса, ўша жойда ёш ниҳол ўсиб, бақувват ва илдири чукур дарахтга айланади. Бу борада институтта ҳавас қилса бўлади. Негаки, бу манзилда йилг этиб чакнаган ҳар бир истеъдод борки, назардан четда қолмайди.

— Давлатимиз раҳбари таълим соҳасига доир барча қарорларида, айниқса,

янгидан-янги ихтиролар амалиётга татбиқ этиб борилмоқда. Энг муҳими, бундай ихтиролардан вақти келиб мамлакатимиз иқтисодиёти катта наф қўради. Шунинг учун янгидан-янги изланишларга қўл ураётган ёшлар сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларнинг мақсади юртимиз равақига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

# Эгаллик ҳуқуқи бериш давом этмоқда

Наманган вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси ва унинг тумандаги мавжуд бўлимлари фаолиятида асосий эътибор ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан эгаллик ҳуқуқини белгилаб беришдек хайрли ишларга йўналтирилган.



## Кўнгил хотиржамлиги

Қадимдан то шу кунимизга қадар етиб келган «Кўнгил тинч-хотиржам, осойишта кишининг еган-ичгани ичига тушади, уй-қусида ором, ҳаловат бўлади» деган гапнинг чиндан ҳам тўғри эканини ҳаётнинг ўзи рўйирос айтиб турибди. Буни қаранг, кишлоқ ҳудудларида истикомат қилаётган ақсарият аҳолини ҳеч бир ҳужжатсиз барпо этилган уй-жойларнинг кейинги тақдири ва унинг ортидан келиб чиқадиган адоқсиз машмашалар ўтирса ҳам, турса ҳам безовта қилиб келарди. Шунданми ёки бошқа вазданми кўнглининг бир чеккаси қоронғи бўлиб тургани турган эди. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга арз-дод қилишнинг сираям иложи йўқ эди. Негаки, шундай йўл тутилгудек бўлинса, ўша кишини дарҳол ёзғувчиға, ношуқр кимсага чиқаришлари ҳам ҳеч гап эмас эди-да. Оқибатда одамлар «оч қорним, тинч қулоғим» дея тилини тишлаб юришга мажбур бўларди.

— Хайрият, узоқ йиллар давомида фуқароларимизнинг тинка-ю мадорини қуритган, орзу-умиди сўнишиға сабаб бўлган бундай номақбул иш усулидан воз кечилди. — дейди **Наманган вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси бошлиғи Муллаҳўжа МУТАВАЛИЕВ.** — Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги қарори уларнинг кўнглини шуълалантириб юборди. Биргина Наманган вилоятининг ўзида мазкур муҳим ҳужжатда кўзда тутилган талабларни бажариш учун астойдил ва режали ишни адо этишга киришилди. Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ишларини рисоладагидек ташкил этиш бўйича

туман (*шаҳар*) комиссияларининг иши «республика-вилоят-туман (*шаҳар*)» — уч погонали тамойил бўйича мувофиқлаштирилди ва назорат ишлари ҳар қачонгидан-да кучайтирилди. Бу билан тадбир жараёнида адолат ва ҳақиқат мезонларига амал қилишга бел боғланди. Буни қаранг, вилоят аҳолисининг 11553 нафар фуқаросига нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ақсарият муурожаатлари ижобий ҳал этилди. Қолаверса, шаҳар ва туман бўлимларида фаолият юритаётган тажрибали мутахассислар маҳаллаларда бўлганда мазкур қарор аҳа-тиясини аҳолиға содда ва аниқ мисоллар кўмагида тушунтириб бормоқда. Мазкур усул ҳам фуқароларнинг хабардорлик даражасини ошириб боришга яқиндан ёрдам бермоқда.

Муллаҳўжа Мутавалиевнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июнда «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги «Тадбиркорлик ва

шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ва 2017 — 2021



йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастурини «Фаол тадбиркорлик, инновациялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга ошириш бўйича Давлат дастури асосида қабул қилинган мазкур ҳужжат ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этишда муҳим кадам бўлди.

Унга мувофиқ, 2018 йил 1 июндан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга

бериш «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга оширилиши белгиланди.

**Ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фақат электрон шаклда амалга ошириладиган бўлди.**

Мазкур қарор билан «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон аукцион орқали доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисида низом» тасдиқланди. Ушбу ҳужжатга кўра, электрон аукционда иштирок этишга буюртманомалар хабарнома жойлаштирилган кундан бошлаб операторнинг веб-порталида автоматик тарзда қабул қилинади ва аукционни ўтказиш кунидан икки иш куни олдин (*soam 13:00 da*) якунланади. Буюртманома электрон

рақам очиш назарда тутилиши мумкин.

Жорий йилнинг ўтган икки ойида вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг филиаллари томонидан «Ерэлектрон» ахборот тизимига жами 320 фуқародан ариза келиб тушган.

## Кадастр қийматини тақдим этади

Бир ёни бепоён уфқларга қадар чўзилиб кетган гўзал Наманганнинг оромжон кишлоқ ва шаҳарларини кезсангиз кўнглингиз ёришади. Барча манзилларда қурилиш, ободонлаштириш, бунёдкорлик йомушлари авжида. Одамлар ўзи истикомат қилаётган манзилу маконларини ораста этиш ҳаракатида худди чумолидек ғимирлагани-ғимирлаган. Бундай эзгу ҳаракатдан Наманган вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси жамоаси ҳам четда эмас. Мазкур жамоа давлатимиз хазинасини тўлдиршида ҳам солиқ идораларига яқиндан кўмаклашиб келяпти. Гап шундаки, «Давергеодезкадастр» кўмитаси давлат солиқ хизмати идораларига нотурар кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматини тақдим этгандан сўнг жисмоний шахсларнинг мулк солиғи суммаси белгиланган тартибда қайта ҳисобланади. Давлат корхонаси туман (*шаҳар*) филиаллари томонидан давлат солиқ органлари биргаликда иш якунлари бўйича кўчмас мулк объектларини таққослаб, ҳозирги кунга қадар жами 14039 та жисмоний ва 9791 та юридик шахснинг нотурар кўчмас мулк объектларига кадастр қиймати тақдим этилди.

Яна бир гап. Наманган вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси тегишли ташкилотлар билан биргаликда 2019 йил биринчи апрелға қадар муддатда кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиб, хатлов натижаларига кўра кўчмас мулк объектларининг ягона реестри ва кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрини шакллантириш жараёнини якунлаш арафасида турибди. Ҳозирга қадар эса жами 509056 та объект ҳисобга олинди. Бу миқдор янада ошади. Умуман, бу сингари ишларни кам-кўстсиз удалашда узоқ йиллардан бери соҳада ишлаб келаётган Б.Валиев, А.Қодиров, О.Усмонов, Қ.Ғаппоров каби тажрибали ходимлар касбдошларига ўрناк бўлиб келмоқда.

Сирасини айтганда, Наманган вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонаси ва унинг туман филиаллари жамоаси ҳукуматимизнинг кадастр соҳасига оид топшириқларини ўз муддатида бажариб, одамлар мушқулини аритишга муносиб ҳисса қўшишга ишонамиз.

Луғубек ЖУМАЕВ,  
«Оила даврасида» муҳбири



# «O'ZBEKTELEKOM INTERNESHNL»

Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси  
УЗИ – Қарши филиали жамоаси

Ўлкамизга кириб келган  
Наврўзи олам  
шодиёналари билан  
Ўзбекистон ахлини  
муборакбод этади!

Бирдамлик, меҳр-оқибат ва  
базрикенглик айёми қалбларда  
эзгу туйғуларни  
мавжлантираверсин!

Баҳор  
қутлуғ ва  
баракали келиб,  
дастурхонимиз  
тўкин-сочин бўлсин!

# Спорт жиҳозларининг муддати қанча?



— Мактаблардаги спорт заллари неча хил турдаги спорт анжومي ва жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак? Бу борада меъёр борми? Инвентарларни даврий равишда янгилаш ҳам қўзда тутилганми?

— Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг спорт заллари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 декабрдаги қарори билан тасдиқланган 2015 — 2020 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий

спорт заллари билан таъминлаш чора-тадбирлари дастурига асосан, 34 хил номдаги спорт анжومي билан жиҳозланиши лозим. Уларга жумладан, қуйидагилар кирди:

## Умумтаълим мактаблари спорт залларини жиҳозлаш меъёрлари

№	Спорт жиҳозининг номи	Ўлчов бирлиги	Спорт заллари ўлчами			Эксплуатация муддати
			9 x 18	12 x 24	18 x 30	
1.	Биринчи ёрдам учун энг зарур дорилар тўплами (аптечка)	комплект	1	1	1	амал қилиш муддатигача
2.	«Эшак» (гимнастика)	дона	1	1	1	5 йил
3.	Оёқ силташ учун дастакли от	дона	1	1	1	5 йил
4.	Таъниб сакраш учун дастакли от	дона	1	1	1	5 йил
5.	Гимнастика ўриндиғи	дона	4	4	6	5 йил
6.	Турник	комплект	1	1	1	5 йил
7.	Қўшпоьлар	дона	1	1	1	5 йил
8.	Хола (гимнастика)	дона	1	1	1	5 йил
9.	Таъниб сакраш учун кўприк	дона	1	1	1	5 йил
10.	Халқали аркон	комплект	2	2	2	5 йил
11.	Тирмашиб чиқиш учун аркон	дона	1	2	2	3 йил
12.	Швед девори	дона	4	4	6	5 йил
13.	Гимнастика мати	дона	8	10	14	3 йил
14.	Гантеллар (2, 4, 6 ва 8 килограмми)	жуфт	5	8	10	5 йил
15.	Халка (гимнастика)	дона	10	15	30	3 йил
16.	Гимнастика таёғи	дона	10	15	30	3 йил
17.	Секундомер	дона	2	2	2	5 йилМ
18.	Ўула (енгил атлетика)	дона	2	2	2	5 йил
19.	Футбол тўпи	дона	10	15	20	6 ой
20.	Баскетбол тўпи	дона	10	15	20	6 ой
21.	Волейбол тўпи	дона	10	15	20	6 ой
22.	Гандбол тўпи	дона	10	15	20	1 йил
23.	Волейбол устунлари ва тўри	комплект	2	2	2	5 йил
24.	Насос	дона	2	3	4	5 йил
25.	Шахмат соати	дона	3	4	5	5 йил
26.	Баскетбол халқаси ва тўри	дона	2	2	2	5 йил
27.	Шахмат	дона	3	4	5	5 йил
28.	Шашка	дона	3	4	5	4 йил
29.	Стол тенниси (ракетка ва тўри билан)	комплект	2	4	4	5 йил
30.	Стол тенниси шари	дона	75	100	100	1 ой
31.	Армрестлинг учун стол	дона	1	1	1	6 йил
32.	Тошлар (8 ва 16 килограмми)	дона	2	3	3	5 йил
33.	Эстафета таёқчаси	дона	10	15	20	3 йил
34.	Футбол дарвозаси	комплект	1	1	1	3 йил



— Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига жойларда қурилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг баъзилари жуда эскириб, яроқсиз ахволга келиб қолган. Айни пайтда бундай иншоотларни қайта таъмирлаш масаласи нима бўлади?

— Президентимиз раислигида 2018 йил 20 сентябрда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш бўйича истиқболдаги муҳим вазифалар тўғрисида ўтказилган йиғилиш баёнига асосан, бундан олдин қурилган ва яроқсиз ҳолга келган спорт иншоотларини капитал таъмирлаш Жисмоний тарбия ва спортни

ривожлантириш жамғармасининг 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳаси асосида амалга оширилади.

**Саволларга Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси бўлим бошлиғи Шухрат НУРУЛЛАЕВ жавоб берди.**



## Фойдасини дақиқалар белгилайди

Сузиш инсонга нима беради? Савол жуда оддий, албатта. Жавобини ҳамма билади: мустаҳкам соғлиқ, спортдаги соврин номи билан айтсак, «олтин» саломатлик. Лекин бу машғулот билан шугулланиш жараёнида айнан қанча вақтда қандай ўзгаришлар бўлишини биласизми?

**1**  
ДАҚИҚА

Бир дақиқа... стрессдан ҳалос этади. Сувга тушган маҳали илк дақиқаданок бўғимлар раvon ишни, майин фойдали юкломани бажаради. Инсон ҳеч қандай ноқулайлик сезмайди. Бутун танасида энгиллик ҳис этади. Танглик, тигизлик йўқолади.

**5**  
ДАҚИҚА

...умрни узайтиради. Шу орқали инсон ўз ҳаётини «асраб қолади». Атиги беш дақиқа сузиш юрак-қон томир касаллиқларига чалиниш хавфини сузиш билан умуман шугулланмайдиган кишиларга нисбатан уч баробарга камайтиради.

**20**  
ДАҚИҚА

...саломатликка «сармоя» киритади. Инсонга икки стакан пиво қанчалар зарар келтирса, оддий усулда шунча вақт сузиш организмга худди ўшанча кўшимча фойда беради. Сузганда кишининг қирқдан ортиқ мушак гуруҳлари баравар ишлайди. Пиво истеъмоли эса айнан шуларнинг ҳаётий фаоллик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

**30**  
ДАҚИҚА

...Велосипедчини доғда қолдиради. Ярим соат сузиш — бир соат велосипед учганда сарфланадиган энергия билан баробар. Гарчи сузганда барча мушаклар фаол ҳаракатланса-да, статистика бўйича сузувчиларнинг жароҳат олиш хавфи велосипедчиларга қараганда ўн баробар кам.

**45**  
ДАҚИҚА

...Бир қадам олдиндасиз. Бассейнда стандарт машғулоти ўтказган инсон кўп нарсада ютади. Бу — мотивация бериш, катъий тартиб-интизомни шакллантириш билан бирга, бел, елка, кўкрак қафаси ва кўлларни мустаҳкамлайди.

**60**  
ДАҚИҚА

...Рухий дадиллик. Бир соат сузган одам организмда ўзига хос тетиклик сезилади. Бундай машғулотдан сўнг, сарфланган қувватни тиклаб олиш учун углеводли бирор маҳсулот истеъмоли қилинса, фойдалан холи бўлмайди.

**1**  
ҲАФТА

...Қон айланиши яхшиланади. Ҳафтасига камида уч марта сузиш айни шунга олиб келади. Инфарктга йўлиқиш эҳтимоли эса 70 фоизга қисқаради. Бундай пайтда организм холестериндан ҳалос бўлади.

**2**  
ҲАФТА

...Яхши кайфият ва уйку. Рухий эзилиш, асабийлик борган сари йўқолади. Кайфият ижобий томонга ўзгаради. Уйку сифати ва давомийлиги ошади.

**2**  
ОЙ

...Бутунлай бошқача даража. Жисмоний тайёрларлик икки хисса ортади. Инсонда куч ва чидамлилик пайдо бўлади. Илк машғулоти кўз олдига келтирганда, ўртадаги катта фарқ ва натижа яққол билинади.

**6**  
ОЙ

...Қомат ўзгаради. Сузиш билан ярим йил шугулланиб ойнага боксангиз, танангиз мутлақо бошқача кўриниш хосил қилганини гувоҳи бўласиз. Энди шахсий тажриба билан баҳам кўришингиз мумкин. Шундай экан, сузишни ҳеч қачон қанда қилманг.

## ХАБАРЛАР

### Чавандозга — «Lacetti», курашчи полвонга — «Spark»

Қашқадарёнинг Китоб туманида Наврўз тантаналари кураш ва кўпқари каби миллий ўйинлар билан давом этмоқда.



Кураш мусобақасида мутлақ ғолиб деб топилган қашқадарёлик машҳур полвон Шерали Жўраевга Президент соврини — «Spark» автомобили берилди.

Кўпқари ўйини ҳам мурасасиз олишувларга бой бўлди. Президент соврини учун Марказий Осиё давлатлари, қўшни Афғонистон чавандозлари ҳам от чоптирган кўпқарида шахрисабзлик Сирожиддин Жовлиев «Фонар» лақабли оти билан ғолибликни кўлга киритиб, «Lacetti» автомобилни мукофот сифатида қабул қилиб олди.

### Уч миллиондан зиёд хотин-қизлар соғлом қадами

11 — 16 март кунлари Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Хотин-қизлар спорт ҳафталиғи» ўтказилди, дея хабар берди ЎЗА.



Ҳафталик давомида бадантарбия машғулоти, спортнинг ўйин турлари, бадминтон, волейбол, стол тенниси, эстафета бахслари, шахмат-шашка бўйича тadbирлар ташкил этилди.

Бир ҳафта давомида республикамиз бўйича ўтказилган 4 412 та спорт ва бадантарбия тadbирларида 3 025 141 нафар хотин-қиз (бадантарбия машғулотида 2 миллион 661 минг 252 нафар ҳамда спорт тadbирларида 363 минг 889 нафар) иштирок этди.


Юриш марафонда жами 100 552 нафар киз, уй бекалари ва катта ёшдаги аёллар иштирок этди.

 **ALOQABANK**

Халқимизни яшариш ва  
янгилашиш айёми,  
миллий байрамимиз –

*Наврўзи олам*

билан қутлайди!  
Ҳар бир хонадонга фаровонлик ва  
қут-барака тилайди!



*Истеъмол кредитлари –  
ҳар бир оилага!*



**ALOQABANK**  
ONLINE SARMOYA



**19%**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани,  
Амир Темур шоҳ кўчаси 4-уй.  
Тел.: (+998 71) 230-77-77

Хизматлар лицензияланган.

[www.aloqabank.uz](http://www.aloqabank.uz)

# «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ»

давлат унитар корхонаси жамоаси

Барча юртдошларимизни  
*Наврўз умумхалқ байрами*  
билан самимий қутлайди!

*Кўклам элчиси бўлган  
Наврўз юртимизга қут-барака,  
дастурхонимизга тўкин-сочинлик,  
халқимизга эса олам-олам қувонч ва  
шодликлар олиб келсин!*

*Наврўзи олам*  
қутлуғ бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

**OILA  
DAVRASIDA**  
Mustahkam oila — yurt tayanchi  
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси  
таҳририяти» масъулияти  
чекланган жамияти

Бош муҳаррир  
Хусниддин БЕРДИЕВ

#### МУАССИСЛАР:

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;  
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Мағбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»;  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўyxатта олинган.  
«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

#### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов,  
Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором  
Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб  
Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммадjon Қуროнов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темура 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Д. Тиллаева  
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Бўғиртма: г-337 ISSN 2181-6190 Обуна индекси — 193  
Атлани: 3052 нуска. Нархи: келингув исосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган.  
Чоп этилиши топирилди: 19:00

